Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган 1997 йил 15 ноябрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда. № 88 (6984)

Da'vat

Одамзоднинг биринчи тарбиячилари оналардир.

О. ГОЛДСМИТ.

Ibrat

Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Жубатхон Муротбоева болалигида илк сабоқларни олган Чимбой туманидаги 37-мактабга ташриф буюриб, 20 нафар ўқувчига устки кийим ва пойабзал, 53 нафар ўқувчига эса дарслик, дафтар, ручка, қалам каби ашёларни бепул топширди. Шунингдек, у мактаб кутубхонасига ёзган китобларидан 50 та нусхасини тортиқ қилди.

O'zbekiston — Amerika

ҲИЛЛАРИ КЛИНТОН ЎЗБЕКИСТОНДА

Илгари хабар қилганимиздек, Америка Қўшма Штатлари Президентининг рафиқаси Ҳиллари Родэм Клинтон Уильям Клинтон ва АҚШ Давлат Департаменти илтимосига кўра Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Украина ва Россия бўйлаб саёҳатга чиққан эди. 12 ноябрь куни Американинг биринчи хоними Ўзбекистонга келди. Тошкент аэропортида уни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов рафиқаси Татьяна Каримова билан кутиб олдилар.

Ташрифдан асосий мақсад юқорида номлари тилга олинган давлатларга ва уларнинг ислоҳотлар йўлидаги саъй-ҳаракатларига АҚШ хайрихоҳлигини намоён этишдир.

Ўша куни «Дурмон» қароргоҳида Ислом Каримовнинг Ҳиллари Клинтон билан учрашуви бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти АҚШнинг «биринчи леди»си билан Ўзбекистонда учрашиб турганидан мамнунлигини изҳор этиб, Ҳиллари хонимнинг юртимизга ташрифи билан дилдан қутлади. Бу ташриф Ўзбекистон — Америка муносабатларини янада юқори поғонага кўтаришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади. Ҳиллари хонимнинг уч кунлик ташрифи бошланишидаги бу самимий суҳбатда томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ҳиллари Клинтон 13 ноябрь куни «Интерконтинентал» меҳмонхонасида Ўзбекистонда аёллар ва болалар саломатлиги, уларнинг ҳуқуқи ва ҳаётини муҳофаза қилиш борасида фаолият кўрсатаётган давлат ташкилотлари раҳбарлари билан учрашди.

Ҳиллари хоним аёллар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ҳамда уларнинг соғлом ҳаёт кечиришини таъминлашдан эзгу ишни амалга ошириш дунё миқёсидаги долзарб масала эканини таъкидлади. У Ўзбекистонда бу борада амалга оширилаётган ишлар билан атрофлича танишди.

Ҳиллари Клинтон Ўзбекистон Президентининг рафиқаси, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси президенти Татьяна Каримова ҳамроҳлигида 2-Тошкент давлат тиббиёт институтига ташриф буюрди.

Меҳмонлар институт ҳузурида Американинг халқаро соғлиқни сақлаш уюшмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган аёллар саломатлиги марказининг очилиш маросимида иштирок этдилар. Ҳиллари хоним очилаётган янги марказ остонасидаги рамзий алвон тасмани қирқди. Шу йилнинг ёзида АҚШдан умумий ҳажми 22 миллион долларга тенг миқдорда дори-дармон, тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар инсонпарварлик ёрдами сифатида республикамизга келтирилган эди. Худди ана шу кўмакдошлик ҳамда 2-Тошкент давлат тиббиёт институтининг Америка халқаро соғлиқни сақлаш уюшмаси билан ҳамкорлиги доирасида аёллар саломатлиги маркази ишга туширилди. Марказда АҚШнинг Иллинойс штати университетида тайёрлов курсини битириб қайтган юқори малакали мутахассислар — америкалик ҳамкорлар билан биргаликда ишлашади.

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетида эса Ҳиллари хонимнинг ўзбекистонлик ёшлар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашувда Ҳиллари Клинтон маҳаллий ёшларни қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Самимий ва қизиқарли саволжавоблар шаклида ўтган мулоқот якунида Ҳиллари хонимнинг куни кеча ўзбек тилида чоп этилган «Бир болага етти маҳалла ота-она» китобини жамоатчиликка таништириш маросими бўлди. Жаҳон Иқтисоди ва дипломатия университетининг учинчи курс талабаси Ш.Саидикромова ушбу китобнинг нусхасини муаллифга тақдим этди.

Шу куни АҚШ Президентининг рафиқаси Ҳиллари Клинтон қадим Бухоро шаҳрини зиёрат қилди.

14 ноябрь куни Ҳиллари Клинтон хоним Самарқанд шаҳрига келди. Ҳиллари Клинтон хоним Ўзбекистон Республикаси Президенти рафиқаси Татьяна Каримова ҳамроҳлигида Самарқанд шаҳрининг муқаддас қадамжоларини томоша қилар экан, уларнинг сеҳрли жозибасини кўриб, ўз ҳайратини яширолмади.

Шу куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов ҳам Самарқандга ташриф буюриб, Ҳиллари Клинтон хоним билан Афросиёб мажмуасида бўлиб ўтган матбуот конференциясида қатнашди.

СУРАТДА: Аёллар саломатлиги марказининг очилиши маросими.

М. АМИН олган сурат.

18 ноябрь — Ўзбекистон Республикасининг давлат байроғи тасдиқланган кун

Faxr

БАЙРОҚ — МАҚСАДИМИЗ, ТИЛАГИМИЗ

Байроқ... У — фахр-ифтихор, рамз, она-юрт тимсоли. Кўк узра ҳилпиратиш учун эмас, озод халқнинг мақсадини, тилагини ифодалаш учундир.

Унинг қаршисида кишини ҳаяжон ва салобат босади. Нега? Бу шу юрт фуқароси эканлигимиздан.

Унинг қаршисида эгилгимиз келади. Нега? Сабаби аён: она-юрт рамзи эзгу ҳислар уйғотади.

Байроғимиз ягона эмас. У билан ёнма-ён турувчи Устунлар бор. Давлатимиз герби ва Давлатимиз байроғи. Гўёки ана шуларсиз байроқ ҳақида жўшиб ва тўлқинланиб сўзлаб бўлмайдигандек.

Байроқ — Ватаннинг қалбларга муҳрланиши лозим бўлган сурати. У бир қарашдаёқ нафақат кўзларимизга, балки дилимизга, шууримизга ўрнашади.

Байроғимиз «туғилган» кунни билмасак уят. 1991 йил 18 ноябрь... Кўз очиб-юмгунча олти йилни ўтказибмиз. Аммо назаримизда, у худди куни кеча тасдиқлангандек. Ҳали оҳори тўкилмаган, илоё тўкилмасин. Ҳамиша қалбларимизга оҳорли туйғуларни, ғурур, фахр бахш этиб турсин.

Байроғимиз ва ундаги рамзлар нимани ифодалайди?

Унда олти белги мужассам. Оқ, кўк, яшил, қизил ранглар. Ярим ой ва юлдузлар. Ранглар уйғун, белгилар сирли, нималарни уқамиз ундан?

Тикилиб қарасак, ақл-мушоҳадамизни ишга солсак, ҳаёт фалсафаси яширин эканлигини илғаймиз ва лол қоламиз.

Мовий ранг — тиниқ осмон, оби-ҳаёт. Нафақат бизга, бутун инсониятга ана шу икки эзгу инъом жондай азиз ва мукаррам.

Оқ ранг — муқаддас тинчлик рамзи. У поклик, мусаффолик, ҳалоллик, оппоқ орзулар билан ҳамоҳангдир.

Яшиллик — кўм-кўк майсазору, қир-адирлар кимни мафтун этмагай? Бу ранг барча халқларда мўлкўлчилик, навқиронлик белгиси сифатида ардоқланар экан, биз ҳам яшиллик бағрига сингиб кетгимиз келади...

Байроғимиз ўртасига тортилган қизил чизиқлар вужудимизда гупуриб турган ҳаётий ирмоқлар — қон томирларимиз аксидир.

Ярим ой шакли — мурувватпешалик, саховат, меҳр-оқибат тушунчалари ифодаси. Қолаверса, мустақиллик нишонаси.

Юлдузлар эса — илоҳиётга дахлдор. Инсоният Ер юзида пайдо бўлибдики, коинот ва ундаги сонсаноқсиз юлдузлар билан сирлашгиси келади.

Она Ер ўз ўқи атрофида бетиним айланаверади. Қуёш ҳар тонг чиқаверади ва ҳар кеч ботаверади. Қуёш йилномаси эса ўша-ўша. Давлатимиз байроғида «милтираб» турган 12 та юлдуз Ўзбекистон сарҳадидаги қадимги давлатлар илмий тафаккурида «Нужум илми» тараққий этганлиги билан ҳам изоҳланади.

Қайга бормайлик, Байроқ хаёлан БИЗ билан, СИЗ билан!

Расмий учрашувлар, халқаро йиғинлар, олимпиадалар, нуфузли мусобақаларда бу БАЙРОҚ БИЗ билан СИЗ билан. СИЗ деганимиз — Ватан шарафи учун ёнаётган спортчилар — Артур Григорян, Руслан Чагаев каби боксчилар. СИЗ деганимиз — шофирконлик 128-лицей ўқувчиси Одилжон Султонов кабилар.

БАЙРОҚ — миллатимиз фахри. У ҳилпираган жойда ЭЗГУЛИК уруғлари ниш ураверади.

Ҳулкар ТЎЙМАНОВА.

Tanlov

БУНДА МАҒЛУБЛАР ЙЎҚ

Маълумингизким, ўтган йили республикамиз мактабларида «Давлат рамзларининг билимдонлари» деб номланган кўрик-танлов эълон қилинган эди. Мақсад, шу баҳона ўқувчиларимизда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш ва кўнгилларга байрам кайфияти бахш этиш. Бошланган хайрли тадбирнинг тақдири нима бўлди. Бу йил ҳам ана шу танловлар ўтказиляптими? Ана шундай саволлар билан Халқ таълими вазирлиги маънавият ва қўшимча таълим бошқармаси бошлиғи Марат ШАФИЕВга мурожаат қилдик.

—Бу танловни республикамиз мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ташкил этган эдик. Танлов нафақат ўқувчилар, балки ўқитувчиларга ҳам хуш ёқди. Наманганга борганимизда, Учқўрғон туманидаги 1-гимназия ўқувчилари давлатимиз мадҳиясини шундай чиройли куйладиларки, беихтиёр кайфиятимиз кўтарилди. Биласизки, ватанга муҳаббат сут билан киради. Тарбия билан камол топади. Шу маънода бундай тадбирнинг аҳамияти беқиёс. Биз меҳмон бўлган гимназиянинг тарбияланувчиси Н. Мирзаалиева вилоят ғолиби бўлди.

Қашқадарё вилоятидан Яккабоғ туманидаги 8-мактаб ўқувчиси Ф. Исматова, Нукус шаҳридаги 18-мактаб ўқувчиси Р. Султонова, Бухородаги болалар ижодиёти маркази қатнашчиси Ф. Асадова, Андижон вилоятидан 10-гимназиянинг «Зукко» гуруҳи, Самарқанддан, Боғишамол туманидаги 8-мактаб ўқувчиси Ч. Юнусова, Сурхондарё вилоятидан 27-мактаб ўқувчиси Ш. Бўриев, Тошкент шаҳридан Мирзо Улуғбек тумани ўқувчи-ёшлар гуруҳи ғолиб бўлдилар.

Бу танловнинг ўқувчилар ҳаётида ўзгача аҳамияти бор. Улар эслаб юрадилар. Бу зукколар ва ватанпарварлар баҳсидир.

Наманган шаҳридаги мактаблардан бирида душанба куни байроқ кўтарилиб, шанба куни туширилади. Бу доимий одат тусига кирган. Байроқ — ғурур, фахрланиш, ўз қадр-қимматимизни англаш, ватанга муҳаббат тимсолидир. Бу йил танловнинг дастлабки босқичлари бўлиб ўтяпти. Аввал айтганимдек, бу танловда мағлублар бўлмайди. Унда қатнашган ҳар бир ўқувчи маълум маънода ғолибдир.

Суҳбатни Абдурахмон ЖЎРА ёзиб олди.

G'urur

ДИЛИМГА МАЛҲАМ

Марказий «Пахтакор» уйингоҳи. Ўзбекистон — Япония терма жамоаларининг учрашуви. Меҳмонларнинг мухлислари байроқлар билан ўз жамоаларини олқишламоқда. Шу фурсатда беихтиёр кўзларимиз ўзимизнинг байроқни қидириб қолди. Иккита болада байроғимиз бор экан.

— Кўтар, байроқни ҳилпират, — деди мухлислардан бири.

— Командамиз гол урсин, кейин кўтарамиз.

Худди шуни кутгандек терма жамоамиз меҳмонлар дарвозасига биринчи тўпни киритди. Мухлислар хурсанд. Болалар байроқни ҳилпиратиб жамоамизни қутлади. Шу пайт кекса бир киши:

— Ке, болам байроғимизни бир марта қулимга кўтарай, бу кунларни қанча кутган эдик, — деб Ўзбекистонимиз рамзини қулига олди. Қувониб, фахрланиб ҳавода ҳилпиратди. Отахоннинг қувончи, фахри бошқаларга ҳам ўтди.

Байроқнинг эгалари мактаб ўқувчилари эди. Шу тобда ҳаммамиз бир жону бир тан эдик. Ушанда хаёлимдан шундай сатрлар ўтди:

Фахру ифтихорим сеники, сенинг,
Ғайратим, шавкатим сеники, сенинг,
Шуҳратим, ҳимматим сеники, сенинг,
Байроғи дилимга малҳамим Ватан.

Раҳмон АЛИ.

- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов мамлакатимизга ташриф буюрган Болгария Республикаси Ташқи ишлар вазири Надежда Михайловани қабул қилди.**
- **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Холид Маликни унинг Ўзбекистондаги миссияси якунланганлиги муносабати билан қабул қилди.**
- **Туркия Республикаси Президенти Сулаймон Демирэлнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йилнинг 17—19 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Туркия Республикасида бўлади.**

JUMLADA JAHON

- **Ўзбекистонда Украина маданияти кунларини ўтказиш бўйича ташкилий қўмитанинг мажлиси бўлиб ўтди.**
- **Қозоғистон ҳукумати Алматидан янги пойтахт — Акмолага кўчиб ўтиб, Президент Н.Назарбоевнинг янги қароргоҳида Қозоғистон Республикаси байроғи кўтарилди.**
- **Асосан аҳолисини хитойликлар ташкил этадиган Португалия тасарруфидаги Макао оролини Хитой тасарруфига ўтказишнинг 1999 йилда ҳал этилиши ва унга алоҳида мухтор вилоят мақоми берилиши каби масалалар шу иш билан шуғулланувчи Хитой-Португалия қўшма гуруҳининг навбатдаги йиғилиши кун тартибига қўйилди.**
- **АҚШда ўтказилган ўзига хос газеталар мусобақасида 1 миллион 77 минг нусхада чоп этилаётган «Уолд-Стрит жорнал» газетаси энг ўқишли деб топилиб, унинг ортидан «Ю-Эс-Эй тудей», «Нью-Йорк таймс» ва «Лос-Анжелес таймс» газеталари жой олди.**

САРАЛАШ САМАРАСИ 2-бет.

2-СИНФДА ОНА ТИЛИ ДАРСЛАРИ РЕЖАСИ 3-бет.

O'zbekiston — Qozog'iston

ДЎСТЛИК ЖАМИЯТИ ТАЪСИС ЭТИЛДИ

Пойтахтимиздаги республика Таълим марказида «Ўзбекистон — Қозоғистон» дўстлик жамиятининг таъсис йиғилиши бўлиб ўтди.

Уни Ўзбекистон ўрмон хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Отахонов очди. Жаҳон тиллари университети ректори Ж.Буронов йиғилганларни кун тартибидаги «Ўзбекистон — Қозоғистон» дўстлик жамиятини тузиш, унинг Низомини тасдиқлаш, жамият бошқаруви ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш масалалари билан таништирди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири, педагогика фанлари доктори Жўра Йўлдошев — жамият раиси, халқ таълими вазири ўринбосари, иқтисод фанлари номзоди Муртазо Султонов ва Абдулла Авлоний номли педагогик ходимлар малакасини ошириш институти ректори, педагогика фанлари номзоди, доцент Акром Акмаловлар — жамият раиси ўринбосарлари этиб сайланди. Жамиятнинг ижрочи директорлигига Тўхтасин Валиев тасдиқланди.

Шунингдек, «Ўзбекистон — Қозоғистон» дўстлик жамиятининг Низоми қабул қилиниб, унинг асосий мақсади ва вазифалари белгиланиб олинди.

Тадбирда ушбу тузилган дўстлик жамиятининг Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикалари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга, халқларимизнинг абадий дўстлигини яна ҳам мустаҳкамлашга хизмат қилиши таъкидланди. Бугунги кунда мамлакатимизда 600 га яқин қозоқ тилида таълим-тарбия бераётган мактаблар хусусида, республикамиздаги Тошкент, Ангрен, Навоий, Гулистон ва Нукус олий ўқув юртларида қозоқ бўлимларининг ташкил қилиниши, «Ўзбекистон» нашриётида «Асыл мура» қозоқ таҳририятининг мактаб ўқувчиларини ўз она тилидаги дарсликлар билан таъминлаб туриши ҳақида ҳам сўз юритилди.

Йиғилиш сўнгида Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ўзбек филологияси факультети қозоқ бўлимининг талабалари ҳамда республика Таълим маркази қошидаги бадиий ҳаваскорлар ижро этган қозоқ ва ўзбек халқларининг жозибали ашула ва қўшиқлари меҳмонлар кўнглини хушнуд этди.

Нурлан УСМОНОВ.

МММ ХАБАРЛАРИ

ТАРИХЧИ ФУТБОЛЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

Куни кеча Собир Раҳимов туманидаги «Ёшлик» уйингоҳида футбол бўйича Мирзо Улуғбек номидаги Тошкент Давлат Университети биринчилиги ниҳоясига етди. Факультетлар талабалари ўртасида кечган бу анъанавий беллашув қизғин курашларга бой бўлди. Финалда тарих факультети жамоаси география факультети жамоасини 8—6 ҳисобида мағлуб этиб қаторасига иккинчи бор ўзларининг маҳорат бобида тенгдошларидан устун эканликларини намойиш этишди. Учинчи ўринни ҳуқуқшунослик факультети жамоаси қўлга киритди.

Ғолибларга пул мукофотлари ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Р. БОЙМАТОВ.

ERTA SO'NGAN YULDUZLAR

Yurtimizhihg qanchalab iste'dodli farzandlari qatag'on yillarining qurboni bo'lishgan.

Otashqalb shoir Usmon Nosir ham ana shunday taqdir egalaridan biri bo'lgan edi.

Yaqinda sevimli shoir tavalludining 85 yilligi munosabati bilan poytaxtimizning Chilonzor tumanidagi 4-sanatoriya maktab-internatida «Erta so'ngan yulduzlar» deb nomlangan adabiy kecha bo'lib o'tdi.

Unda shoirning singlisi Rahbaroy aya va jiyani Nodira Rashidovalar ishtirok etishib ijodkor haqidagi o'chmas xotiralarini o'quvchilarga so'zlab berishdi.

Kechada o'quvchilar tomonidan tayyorlangan badiiy chiqishlar, shoir she'rlaridan namunalar uning maroqli o'tishini ta'minladi.

M. HAMROYEVA.

МММ ХАБАРЛАРИ

АМЕРИКАДА ТАҲСИЛ ОЛАДИ

Истиқлол туфайли ёшларга бениҳоя имкониятлар туғилди. Шулардан бири ҳақида икки оғиз сўз.

Бердақ номидаги Қорақалпоғистон Давлат Университети чет тиллари факультетининг 4-курс талабаси Ойгул Бекимбетова АКСЕЛС дастури бўйича АҚШнинг Алабама штатидаги Трой шаҳри университетида бир йил таҳсил оладиган бўлди.

Ғ. ЁҚУБОВ.

Yangi turdagi o'quv muassasalarida

САРАЛАШ САМАРАСИ

Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси иқтидорли ўқувчилар билан ишлашга алоҳида эътибор бераяпти. Агар 1995—96 ўқув йилида вилоятда 12 та лицей фаолият кўрсатган бўлса, 1996—97 ўқув йилида улар сони 19 тага етди. Бу муассасаларда 2460 нафар саралаб олинган ўғил-қиз таълим олмоқда.

Кейинги йилларда лицейлар иқтидорли ўқувчилар билимини оширишнинг энг яхши воситаси эканлигини яққол исботлади. Лицейларда асосан ўзбек тили ва адабиёти, физика-математика, информатика, хорижий тиллар, кимё-биология, нафис санъат, тарих, ҳуқуқшунослик каби фанлар кенгайтирилган дастур асосида ўрганиляпти. 1997 йил вилоят фан олимпиадасида совринли ўринларнинг асосий қисмини лицей ўқувчилари эгаллашди. Бунда, айниқса, Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигидаги Термиз умумтаълим лицейи ўқувчиларининг эришган натижалари юқори бўлди. Улар жами совринли ўринларнинг 13,7 фоизини, яъни 21 тасини эгаллашди.

1996 йилда 1,2,3,4,6-лицейларни тугатган йигит-қизлар 67—81 фоизи олий ўқув юртларига кирганлиги мазкур таълим муассасаларида ўқитиш, битирувчиларни олий ўқув юртларига кириш учун ўтказиладиган тест синовларига тайёрлаш юқори даражада эканлигидан далолат беради. 1997 йилда эса Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигидаги лицейни битирган 24 нафар битирувчининг ҳаммаси, 1-лицейдаги ўқувчиларнинг 80 фоизидан кўпи олий ўқув юртларига киришди.

Бу натижалар ўқувчилар ва ота-оналарнинг лицейларга қизиқишлари янада ортиб боришига сабаб бўляпти. Шу йилги қабул танловида аксарият лицейларда талабгорлар сони бир ўринга 4—5 нафарни, Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигидаги лицейда эса 10—16 нафарни ташкил қилди.

Янги турдаги таълим муассасаларида иқтидорли ўқувчиларнинг таълим олиши, йўналишдаги фанларнинг кенгайтирилган дастур асосида ўқитилиши лицейларда чуқур билим, етарли малака ва тажрибага эга ўқитувчилар ишлашини тақозо этади. Шуни эътиборга олган ҳолда вилоят халқ таълими бошқармаси лицей ходимлари касб маҳоратини ўстириш, уларни таълимий ва услубий янгиликлар билан таништириш масаласини ҳам йўлга қўйди. Масалан, бошқарма қошида барча янги турдаги таълим муассасалари директорларидан иборат кенгаш фаолият кўрсатяпти. Тажрибали педагог, кейинги йилларда юқори натижаларга эришаётган 1-лицей директори Б.Мирзаев раҳбарлигидаги мазкур кенгаш мунтазам равишда ўтказилаётган йиғилишларда таълимий ва услубий ишларга оид энг долзарб масалаларни муҳокама этадилар. Пировард натижада келгусидаги ишлар учун тегишли режа ва тадбирлар белгилаб олиняпти. Жумладан, лицей ва гимназияларда таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш, таълим мазмунини янгилаш, янгиликларни амалиётда қўллаш бўйича қилинаётган ишлар, эришилаётган натижалар кенг таҳлил этилаётир. Шунингдек, ютуқларга, юқори натижаларга эришиш йўллари юзасидан ўзаро тажриба алмашиляпти.

1996—97 йиллар мобайнида ўқувчилар билимини диагностик таҳлил қилиш масаласи Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигидаги Термиз, ўқувчилар билимини кўп балли назорат-рейтинг тизимида баҳолаш 1-Шарғун, тарбиявий ишларни назорат-рейтинг тизимида баҳолаш эса 6-лицейларда ташкил қилинган семинарларда атрофлича муҳокама қилинди. Семинар иштирокчиларига маърузалар тинглаш, бажарилаётган ишлар юзасидан ўзаро тажриба алмашишдан ташқари, масаланинг асл моҳиятини очадиган мунозаралар ўтказилди. Янгиликларнинг амалда қўлланилиши билан иш жараёнида танишилди, шу масалаларга оид ҳужжатлар қоритилиши ўрганилди. Навбатдаги «Услубий ишлар тажрибаси» мавзуидаги семинарни 10-лицей негизида ўтказишга келишиб олинди.

Яқинда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Биринчи марта вилоят янги турдаги таълим муассасалари раҳбарлари ва асосий йўналишдаги фан ўқитувчиларининг шуъба йиғилишлари ўтказилди. Унда директорлар, директор муовинлари, йўналишлардаги физика-математика, информатика, кимё биология, тарих-ҳуқуқшунослик, хорижий тиллар, ўзбек тили ва адабиёти бўйича 71 нафар ўқитувчини жамлаган 7 та шуъба иш олиб борди. Шуъба йиғилишларида 36 та маъруза тингланиб, 20 та мавзу бўйича давра суҳбати ўтказилди.

Тадбирда асосий эътибор янги турдаги таълим муассасаларида ўқув-тарбия ишларини такомиллаштириш, таълим мазмунини янгилаш йўлларини таҳлил этишга қаратилди. Ўқувчилар билимини назорат-рейтинг тизимида баҳолаш, тест синови усулини дарсларда кенг қўллаш, ноанъанавий дарс турларидан фойдаланиш, битирувчиларни олий ўқув юртларига тайёрлаш масалалари бўйича жонли мулоқот, мунозара асосида илғор тажрибалар ўртоқлашилди.

Шуъба йиғилишларида, айниқса, 1-лицей ўқитувчилари фаол иштирок этишди. Ҳар бир шуъба бўйича 1—2 нафар ўқитувчи ўз касбдошлари билан фикр алмашди. Мулоқотларда нафақат ютуқлар, натижалар таҳлил этилди, балки ишдаги муаммо ва қийинчиликлар, уларни ҳал этиш йўллари ҳақида ҳам фикр юритилди.

Бажарилаётган ишнинг мақсад ва вазифаларнинг бирлиги, шуъба йиғилишларининг жонли мунозара ва тортишувларга бой бўлиб ишга долзарб муаммоли масалаларнинг тўлақонли ҳал этилишига сабаб бўлди. 6-лицейнинг математика ўқитувчиси Ш.Орипова, 1-лицейнинг математика-информатика ўқитувчиси Н.Мирзаев, 7-лицейнинг инглиз тили ўқитувчиси Б.Тангриқуловаларнинг маърузалари материалларга бойлиги, илмий жиҳатдан асосланганлиги, иш услубининг ўзига хос томонлари ёритилганлиги билан тингловчиларда ёрқин таассурот қолдирди.

Шуъба йиғилишларини анъанавий тарзда ҳар таътилда ўтказиб, долзарб масалаларни муҳокама этиб бориш келишиб олинди. Энг яхши мутахассислар ҳисобидан шуъба йиғилишлари раислари сайланди. Уларга шуъба режаларини тузиш, таълимий ва услубий янгиликларни муҳокамага киритиш, йиғилиш учун тегишли материаллар тўплаш вазифалари юклатилди.

Сирасини айтганда, вилоятда янги турдаги ўқув муассасаларига ота-оналар, ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг қизиқишлари ортаяпти. Чунки уларда таълим-тарбия олаётганларнинг аксарияти кутилган натижаларга эришаётир. Келгусида уларнинг фақат сонини эмас, сифатини ҳам янада яхшилаш борасида тинимсиз иш олиб бораверамиз.

Хўжамурод ЧОРИЕВ,
Сурхондарё вилояти халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

ХОРИЖ ТЎЛҚИНЛАРИДА

Исроил Бош вазири Бенямин Нетаньяху ўз Британия ҳамкасабаси Тони Блейр билан музокара олиб бориш учун Лондонга келди. Маълум бўлишича, учрашув давомида Тони Блейр Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнининг аҳволи ҳақида ўз хавотирини билдириши кутилмоқда. Британия мулозимларининг айтишича, Британия Бош вазири яқудийлар учун турар жойлар қурилиши тўхтатилиши ҳақидаги АҚШ таклифларини қўллаб-қувватлайди.

* * *

Бир неча АҚШ полициячиси ва жосуслик хизмати ходими Покистонга етиб келишди. Уларнинг мақсади чоршанба куни АҚШ нефть ширкати ходими ва покистонлик ҳамкасбларига ёрдам кўрсатишдир. АҚШдаги мутахассислар ҳодиса рўй берган жойни ва ҳужум қилинган машинани текшириб бўлдилар. Ушбу ҳужум АҚШда душанба куни бир покистонлик маркази жосуслик хизматининг икки ходимини ўлдириш учун ҳукм этилишига боғлиқдир.

АҚШ давлат котибияти АҚШ фуқароларини Покистонга саёҳатларда сергак бўлиши ҳақида огоҳлантирди. Шу билан бирга Давлат департаменти хориждаги бошқа АҚШликларни ўта эҳтиёт бўлишга чақирди. Сабаби, чоршанба куни яна бир маҳкама жараёни бўлиб ўтди. Ушбу жараён натижасида икки киши — Рамзи Аҳмад Юсуф ва Аюб Исмоил 1993 йил Жаҳон савдо марказини портлатишда қатнашганлиги учун ҳукм этилган эдилар.

«ВВС» (Лондон)

* * *

Франция Президенти Жак Ширак Вьетнамга қилаётган визитининг иккинчи куни, яъни бугун Хочимин шаҳрига борган. Президент Ширак Хочимин шаҳрига бугун маҳаллий расмий кишилар ва савдо арбоблари билан учрашади. У кеча Ханойда вьетнамлик маслакдоши Тран Дуч Лунг билан учрашиб суҳбатда бўлган.

* * *

Японияннинг савдо оборoти бу йилнинг илк ярим молиявий йилидан ўтган йилгига нисбатан деярли 76 фоиз кўтарилган. Ҳукумат кўрсатган савдо ортиги сентябрь ойида тутган олти ойда 46 миллиард доллар бўлган. Таҳлилчиларнинг айтишларича, Японияда ишлаб чиқарилган автомашиналар ва электроник ашёларнинг АҚШ ва Европага бўлган экспорти кўпайганлиги сабабли Японияннинг савдо ортиғи кўпайиши давом этади.

«Америка овози» (Вашингтон)

Taqriz

КЎЗГУ

Бу илм даргоҳи Мир Алишер Навоий номида. 70 йилдан бери кўҳна ва навқирон шаҳар Самарқандда фаолият кўрсатаётир.

Бу маскан ҳақида кўп ёздилар ва ҳамон ёзишмоқда. Зотан, шунга у арзийди.

Дорилфунуннинг 70 йиллиги арафасида «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган китобчани ҳеч иккиланмай «кўзгу» деб аташ мумкин. «Тарихий очерк» жанридаги бу китоб «Самарқанд Давлат Университети» деб номланган.

Маърифат маскани қачон ташкил этилган? Факультетлари нечта? Қайси бўлимлар фаолият кўрсатаяпти? Кафедраларида қандай изланишлар олиб борилмоқда? Жамоат ташкилотлари нима билан машғул: зиёлини ҳимоялаш учун маъсулми?

Тарихий очерк ана шу саволларингизга батафсил, мукаммал жавоб бера олади. Кейинги ўн йилликда амалга оширилган ишлар, илмий изланишлар, янгилик ва ютуқлар ҳам муаллифларнинг эътиборидан четда қолмаган.

Университет ректори, академик Жўрақул Сатторов китобга ёзган сўзбошида ўтмишдан бир шингил қайд келтириб ўтган: «70 йил аввал ўз таржимаий ҳолини атиги ўнта факультет, тўрт кафедра, ўн бир ўқитувчи, қирқ саккиз студент ва йигирма етти эркин тингловчи билан бошлаган дорилфунун бугунга келиб, мамлакатимизнинг илмий-маърифий ва ижтимоий-маънавий марказига айланган экан, бу даражага — салоҳиятли мавқега етишувда юқорида айтганимиз олтин фонди — хазинаси ажойиб ота-боболаримиз СамДУ устозларининг буюк хизматлари беҳад».

Илм кошонаси — хазина, унга ёшлар талпинишади. Ҳар йили университет талабалигига қабул қилинаётган талабаларнинг қалбида фахр-ифтихор: «Мен университетда ўқийман!». Зеро, йигит-қизларнинг илм хазинасига кириб боришлари, дуру жавоҳир излашлари учун нимаики зарур булса, бари мужҳайё. Кенг ва ёруғ аудиториялар, ётоқхона, кутубхона.

Дарвоқе, бағишловда кутубхона ҳақида алоҳида сўз юритилган. Унда қайд этилишича, университет зиё масканида 2,5 миллион босма бирликдаги жамғарма мавжуд. Марказий Осиё халқлари тарихи, медицинаси, жўғрофияси, математика ва этнографияси ҳамда санъатига оид 9 минг китоб асраб-авайланмоқда.

Дорилфунуннинг 70 йиллик тўйи яқинлашиб қолди. Раҳбарият, бу ерда ишловчи олимлар, зиёлилар, таҳсил олаётган талабалар, тадқиқотчилар ҳаяжонда. Улар шу сана билан юзлашаётганларидан мамнунлик туймоқдалар. Биз қисқагина, лўндагина таъриф-тавсифни келтириб ўтган рисола ҳам ана шу шоду хуррамликка тўёна.

Ҳ. КУЗМЕТОВА.

To'yxat o'rnida

АЛЛОМАЛАР МАКТАБИ ВОРИСИ

Самарқандда бундан 70 йил аввал ташкил топган ва айни вақтда Марказий Осиёда мукаммал илм-фан ва маърифат марказига айланган Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетини Улуғбек академиясининг муносиб вориси, дея таъкидласак муболаға бўлмас. Зеро, илму фан, маърифат маркази сифатида аллома авлодларимизнинг ажойиб анъаналарини давом эттириб келмоқда.

Дастлаб университет ўз фаолиятини атиги учта факультет, тўрт кафедра, ун бир ўқитувчи, 48 талаба ва йигирма етти эркин тингловчилар билан бошлаган бўлиб, у халқ хўжалигимизнинг мутахассисларга бўлган эҳтиёж ва талабларига нисбатан доимий ривожланишда бўлди ҳамда ҳозирги кунда унинг таркибида 16 та факультет, 7300 дан зиёд талаба, 95 та кафедра, ўнлаб илмий ва тажрибавий лабораторияларда 37 ихтисос бўйича малакали мутахассислар тайёрланади. Бу соҳада 100 дан кўпроқ фан докторлари, профессорлар, 600 га яқин фан номзодлари фаолият кўрсатиб келади. Университет ўз тараққиёт йилларида халқ хўжалиги учун 100 мингта яқин олий малакали мутахассислар ҳамда 250 дан зиёд фан докторлари, минглаб фан номзодлари етказиб берди. Университетнинг бундай йирик илму-фан, маърифий марказга айланишида Н.А.Меркулович, А.В.Салихановия, Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов, Карим Абдуллаев, В.Л.Вяткин, С.Айний, А.Саъдий, А.Валиев, У.Турсунов, И.И.Умняков, М.Муминов, Ю.Алескеров, К.Закиров, А.Тулаганов, В.Абдуллаев, О.Отахўжаев, Н.Шукуров, О.Икромов, М.Аминов, Р.Искандаров, Х.Абдуллаев, М.Умаров, Х.Дониёров, Ж.Қабулов, И.С.Куклес, П.К.Солдатов каби устозларнинг чексиз хизматлари бор. Узбекистон Фанлар академиясининг 30 дан кўпроқ ҳақиқий ва мухбир аъзолари шу даргоҳ таълимини олган. И.Муминов, С.Умаров, У.Орипов, Я.Ғуломов, А.Баҳовутдинов, К.Зокиров, В. Абдуллаев, М.Осимий, А.Отахўжаев, Т.Ширинқулов, Б.Валихўжаев, А.Нарзиқуловлар каби кўпгина академиклар ҳамда Ҳ.Олимжон, Уйғун, Миртемир, У.Носир, Ҳ.Пўлат, А.Умарий, Ойдин, А.Мухтор каби унлаб атоқли ёзувчи, ва шоирлар, ҳамда халқимизнинг ардоқли фарзанди, таниқли давлат арбоби, ёзувчи Шараф Рашидов ҳам шу илм даргоҳидан етишиб чиққан эди.

Самарқанд университети асосий манба сифатида, унинг бевосита фаолияти билан шаҳарда 6 та таълим марказлари бўлган олийгоҳлар, илмий тадқиқот институтлари ҳамда 20 та ўрта махсус ўқув юртлари, Ўз ФАнинг Самарқанд бўлими, ЮНЕСКОнинг Марказий Осиё халқлари маданият тарихини тадқиқ қилиш институти юзага келди, минтақадаги Термиз, Қарши, Бухоро, Навоий, Жиззах каби шаҳарларидаги олий ўқув юртларининг ташкил бўлишида СамДУнинг оталик ёрдами беқиёсдир.

Мамлакатимизда янги иқтисодиётга ўтиш билан боғлиқ катта ислоҳотлар амалга оширилиб, иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизни ривожланган мамлакатлар андозалари даражасига чиқаришдек буюк ва мураккаб вазифалар турганидек, олий таълим орқали тайёрланадиган кадрлар ҳам ана шу вазифаларга монанд даражада етиштирилиши лозимлиги университет жамоаси олдидаги муҳим вазифа деб қаралмоқда. Бунинг учун аввало, унинг моддий техника базаси яратилиши лозим. Бу соҳада университетда катта ишлар амалга оширилди ва қилинмоқда. Жумладан, биология, кимё, физика, амалий математика, ҳуқуқшунослик каби факультетлар ва лабораторияларни таълимнинг янги шакллари талабларига биноан турли жиҳозлар ва техник воситалар, компьютерлар билан жиҳозлантирилди, муаллим ва талабаларнинг бу воситалардан тўлароқ фойдаланиш тадбирлари амалга оширилди ва ўз самарасини бера бошлади, натижада кадрлар тайёрлаш сифати ошди.

Миллий дастур ва олий таълим ислоҳотидан келиб чиқиб, ўқув тарбия жараёнига янги, замонавий курсларнинг киритилиши билан боғлиқ ўқув дастурлари, дарслик ва қўлланмаларни яратиш ишларига тажрибали педагог олимлар жалб қилиниб, уларга шароитлар яратилиб берилган. Ўқув-услубий қўлланмаларнинг миллий тилда яратилиши, давлат тилига ўтиш соҳалари бўйича катта ташкилий ва амалий ишлар бажарилди ва олиб борилмоқда. Тўғри, ҳозирги иқтисодий ўтиш даврида ўқув-тарбия воситаларини тўла яратиш учун давлат томонидан ажратиладиган маблағлар барча заруриятларни қопламаслиги сир эмас. Шунинг учун университет раҳбарияти қўшимча маблағ топиш имкониятларини қидириб, бу соҳада ҳам бир мунча хайрли ишларни амалга оширмоқда. Масалан, илмий ишлар натижа янгиликларидан, хўжалик ҳисобига ишлаш натижаларидан, грантлардан, китоблар, дарслик, ўқув қўлланмалари, дастурлар тайёрлашдан, турли мутахассисликлар бўйича тайёрлов курслари ҳисобидан, шартнома ва буюртма асосида ўқитиш туфайли, малака ошириш бўлимлари, босмахона хизмати, мавжуд техникадан ҳамда жамоа ва ташкилотларга иқтисодий дастурлар тузиб бериш каби ҳаракатлар туфайли қўшимча маблағ топиш ва уларнинг маълум қисмини университет моддий техника базасини мустаҳкамлашга, ободонлаштириш, ходимларни иқтисодий рағбатлантириш каби ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, кейинги 2—3 йил оралиғида университетга хорижий мамлакатлар билан илмий ва маданий алоқалар ўрнатиш, халқаро илмий анжуманлар ўтказиш, чет эл грантларини, жамғармаларни жалб қилиш, совринларини қўлга киритиш соҳаларида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Амалда, университетнинг бир гуруҳ олимлари чет эл илмий марказларининг академиги фахрий унвонларига сазовор бўлдилар. Жумладан, ҳозир бизда 5 олим — университет ректори Жўрақул Сатторов, профессорлардан Н.Амирхонов, С.Лақаев, Н.Муҳаммадиев, Д.Турaевалар Нью-Йорк университетининг академиклари, К.Саидов, Х.Тўраев, В.Абдукаримовлар эса халқаро ахборотлаштириш академиясининг академиклари бўлиб сайланганлиги Самарқанд университетининг нуфузини янада оширди.

Яқинда «Самарқанд университети ахбороти» илмий ойномасини нашр қилиш ташкиллаштирилиб, унда Самарқанд минтақаси ва маданий алоқалар тузилган хорижий мамлакатлар олимлари бу ойномада ўз илмий тадқиқот натижаларини чоп қилиш имкониятига эга бўладилар.

Сўнгги йилларда 15 та хорижий мамлакатлар билан, жумладан, Хитой, Покистон, Италия, Туркия, Олмония, Англия, Россия билан илмий, маданий хамкорлик алоқалари ўрнатилди. Милан, Гамбург каби йирик университетлар билан талабаларни алмашлаб ўқитиш ишлари каби кўпгина масалаларда келишув битимлари йўлга қўйилди.

Университет раҳбарияти мамлакатимиз халқ хўжалиги ҳамда жаҳон андозаси талабларини эҳтиёжларидан келиб чиқиб ҳамда мутахассислар тайёрлаш йўналишида янги ихтисосликлар очиш, уларни техник ва ўқув-услубий воситалар билан жихозлаш борасида бирмунча ишларни амалга оширдилар. Масалан, техника, музейшунослик, археология, туризм, хорижий журналистика, экология, тупроқшунослик, иқтисодиёт ҳамда ҳуқуқшунослик соҳлари бўйича талабалар қабули кенгайтирилди, натижада тупроқшунослик, экология, ҳуқуқшунослик, иқтисодиёт факультетлари, Узбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти, сиёсатшунослик, журналистика назарияси, менежмент каби талайгина кафедралар ташкил қилинди ва улар малакали кадрлар ҳамда ўқув-услубий воситалар билан таъминланиб, зарур шароитлар яратилди.

Шу кунларда университетда фаолият кўрсатаётган гуманитар фанлари вакиллари илмий тадқиқот ва маърифий — тарбиявий ишларни янги нуқтаи-назардан тадқиқ қилиб, ёшларда замонавий дунёқарашни шакллантириш устида қизғин иш олиб боришмоқда. Ватанимиз тарихининг ҳақиқий, адолатли саҳифаларида китоблар, дарсликлар, ўқув-услубий қўлланмалар, дастурлар яратмоқдалар. Тарихчи ва археолог олимларимиз янги-янги кашфиётларни қўлга киритиб, юртимиз ибтидоси 1 миллион йиллан кўпроқ давр маданият тарихига эга эканлигини исботлаб беришда фаол иштирок этишди.

СамДУ Илмий кенгаши бой илмий педагогик тажрибага эга олимлар таркибидан иборат бўлиб, унинг йиғилишларида ўқув-услубий, тарбиявий масалалар долзарб соҳа деб қаралади. Бу соҳадаги янгиликларни турмушга тадбиқ қилиш, эҳтиёжга молик мутахассислар тайёрлаш жиддий масала хисобланади. Университетда таълим икки босқичга мўлжалланиб, биринчисида 4 йил таълим ўқитилиниб, бакалавр даражаси берилади ва бу талабалар маълум соҳа мутахассиси бўлиб етишадилар. Айни вақтда бу соҳадаги ишлар амалда. Иккинчи босқич магистрлик даражаси бўлиб, бу соҳада ўқитиш учун ҳам таълим базаси яратилган, галдаги вазифа уни ташкил қилишидан иборат. Магистратура даражасини олиш учун яна икки йил илмий, назарий йўналишда кенгроқ таълим берилади ва улар асосан фан соҳасида ишлашлари кузда тутилган. Факультетлар, кафедралар ва лабораторияларни бу соҳага тайёргарлик ишлари ҳамда профессор ўқитувчиларнинг малака даражаларини ошириши борасида университетда зарур ишлар амалга оширилмоқда.

Илмий, ўқув-тарбиявий, умуман кадрлар тайёрлаш жараёнини мукаммаллаштириш учун университет хўжалик соҳаларини такомиллаштириш, илмий, ўқув-тарбиявий соҳага шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Бу йўналишда ҳам анчагина ишлар бажарилмоқда. Жумладан, бюджетдан ташқари топилган маблағлар ҳисобига кўп йиллардан буён эскириб қолган хўжалик ускуналари, жиҳозлар алмаштирилди, замонавий техника, компьютерлар, автотранспорт воситалари сотиб олинди, ўқув корпуслари, сув иситиш тизими янгиланди, талабалар ётоқхоналари таъмирланди, уларга янги жиҳозлар олинди, 9 қаватли бинонинг қурилиш ишлари поёнига етказилмоқда, анчагина ободонлаштириш ишлари ҳам бажарилди.

Ўқитувчи, ходимлар ва талабаларни ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда уларни маънавий ва моддий рағбатлантириш ишлари университет тараққиётида муҳим омил эканлиги унутилган эмас. Масалан, фақат шу йилнинг сентябрь-октябрь ойларида талабаларнинг дори-дармонлари учун 170 минг сўм сарфланди. Талаба ва муаллимлар — учун мўлжалланган профилактория марказлари, дам олиш санатория, тиббий ёрдам кўрсатиш ишларида ижобий ўзгаришлар бўлди. Университет хўжаликлардан ер олиб, деҳқончилик маҳсулотлари билан ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш ишларини амалга оширмоқда.

Юқорида зикр этилган фикрлардан келиб чиқиб, университет фаолиятида муаммолар қолмаган деган фикрдан йироқмиз. Бу марказда илмуфанни, ўқув-тарбия ишларини янада ривожлантириш, алломаларимиз мактаби туфайли ташкил топган миллий анъаналарни янада мукаммалроқ давом эттириш учун бир қатор долзарб муаммолар устида қунт билан меҳнат қилишга тўғри келади. Жумладан, илмий тадқиқот ишлар соҳасида юқори натижаларга эришиш ва жаҳон миқёсига кенгроқ чиқиш, халқ хўжалигимиз иқтисодини кутаришга жиддий ёрдамлашиш, янги киритилган ўқув дастурларига биноан миллий тилдаги дарслик ва қўлланмаларни замон андозалари талабида яратиш, лаборатория ва кафедраларни янги технологиялар билан тўла таъминлаш, талабалар, аспирантлар учун яшаш жойларини кенгайтириш, олимларга замонавий шароитлар яратиш, транспорт воситаларига етарлича эга бўлиш ва амалиёт сабоқларини талаб даражасида ташкиллаштиришга эришиш, иқтидорли талабаларни ривожланган мамлакатларга малака учун кўпроқ юбориш, шу ўринда жаҳон олий таълими ютуқларидан кенгроқ фойдаланиш каби муаммолар университет жамоаси олдида турган навбатдаги энг зарур вазифалардан ҳисобланади. Университетимиз жамоаси айни кунларда узининг ташкил топганлигининг 70 йиллигини кутаринки руҳ, бунёдкорлик меҳнати билан, жаҳонга машҳур авлодларимизнинг бой маънавий, маърифий мероси ворислигини садоқат билан давом эттириш, илм-фан, кадрлар таёрлаш соҳаларини янада такомиллаштириш соҳаларида ҳамкорлик, ҳам жипслик кайфиятида сидқидилдан фаолият кўрсатмоқдалар.

Мавлон ЖЎРАҚУЛОВ,
СамДУ археология кафедрасининг мудири, профессор.

«ИЛМ» ИЛМГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Мактабни битириб кетаётган ўсмир камида бир касб эгаси бўлиб ҳаётга йўлланма олиши унинг кўчада бекорчи бўлиб қолмаслигига кафолат беради.

Шундай муҳим давлат аҳамиятига эга бўлган мураккаб ишни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги қошида ташкил этилган «Илм» ўқув—ишлаб чиқариш концерни мутахассислари ўз зиммаларига олишди. Ушбу концерн республика мактабларида, ҳунар-техника билим юртларида мазкур тизимни ривожлантиришга ҳисса қўшади. Тошкент шаҳридаги 298—мактаб ўқувчилари бу ерда тингловчи, ўрганувчи. Улар билим масканларига тикув машиналари ва турли дастгоҳлар ўрнатадилар. Бу дастгоҳлар ёрдамида эса ўқувчиларга керакли бўлган ўқув қуроллари, мактаб либослари тайёрланади. Бундан ташқари концерн бизнес, иқтисод, чет тилларини ўргатиш ҳамда иқтидорли ўқувчиларни хорижда ўқитиш имкониятига эга.

Бу ишларни амалга ошириш учун концернимиз Америка, Гонконг, Хитой маорифчилари билан ҳамкорлик ўрнатди, —дейди концерн бошқаруви раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими Миразим Мирахмад. — Қўшма корхонани тузишдан мақсад ҳар бир ёшни ҳунарли қилиш. Ҳунар — ҳунардан унар. У ҳам инсонни боқади. Ниятимиз шуни ёшлар онгига сингдириш.

Концерн мазкур ўқув йилидаёқ ўз самарасини бера бошлади. Ўқувчиларга мактаб либослари тикиб берилди. Уларни тайёрлашга ўқувчиларнинг ўзлари жалб қилинди ва улар шу билан тикувчилик касбини ўрганишмоқда. Хориждан олиб келинган дастгоҳлар мактаб ҳамда ҳунар-техника билим юртларининг устахоналарига ўрнатилаётир. Янги технология ҳозирда Наманганда, Самарқандда ва Тошкент вилоятларидаги ўқув масканларига юборилди.

Яқин кунларда Америка —Ўзбекистон қўшма мактаби очилиши мўлжалланяпти. Бу борада америкалик мутахассислардан Томас ва Петрик Квиншлар концерн билан алоқа ўрнатишган.

Хуллас, «Илм» концерни келажак учун хизмат қилади.

СУРАТДА: 298—мактабнинг маданий-маърифий ишлар бўйича раҳбари Муборак Жамолова, «Илм» концерни раҳбари Султон Абдуллаевлар ўқувчилар тайёрлаган либосни кўздан кечиришмоқда.

Ҳ. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

Rasmiy bo'lim

2-SINFDA ONA TILI DARSLARINI REJALASHTIRISH

Darslar tartibi	Darsda o'rganiladigan mavzu	Adabiyotlar ro'yxati, sahifasi, mashqlar
	2-chorak: 7 hafta, 27 soat	
1.	Gapning oxiriga tinish belgilarini qo'yish.	81—83-mashqlar
2.	Gap kim (kimlar) yoki nima (nimalar) haqida aytiladi.	84—86-mashqlar
3.	Gap haqidagi bilimlarni umumlashtirish.	87—89-mashqlar
4.	Matn haqida umumiy tushuncha.	90—92—93-mashqlar
5.	Matnni savollar yordamida og'zaki va yozma qayta hikoyalash. «Fil bolasi».	37-bet
6.	Yozma ish (ta'limiy bayon) tahlili' xatolar ustida ishlash. Matn haqidagi bilimlarni mustahkamlash.	92-mashq
	So'z va bo'g'in. Bo'g'in ko'chirish.	
7.	Bo'g'in — so'zning qismi.	94—97-mashqlar
8.	So'zni bo'g'inlarga bo'lish.	98—102-mashqlar
9.	Bo'g'in ko'chirish.	103-110-mashqlar
10.	Bo'g'in ko'chirish uchun bo'linmaydigan so'zlar.	103—106-mashqlar
11.	**Sh, ch, ng** harf birikmali so'zlarni bo'g'inlab ko'chirish.	111—114-mashqlar
12.	Estalikdan foydalanib diktant yozish.	115—mashq
13.	Diktant tahlili. O'rganilgan bilimlarni umumlashtiruvchi mashqlar.	
	JARANGLI VA JARANGSIZ UNDOSH TOVUSHLAR.	
	Ularni harf bilan ifodalash.	
14.	Jufti bor jarangsiz undosh tovushlar.	116—119-mashqlar
15.	Tekshiruvchi va tekshiriluvchi so'zlar.	120—122-mashqlar
16.	So'z oxirida kelgan jufti bor undoshning yozilishini tekshirish.	123—125-mashqlar
17.	Rasmga qarab og'zaki insho tuzish. Gaplarning o'rnini almashtirib, berilgan matnni asl holiga keltirish.	126—127-mashqlar
18.	So'z oxirida kelgan jufti bor undosh tovushlar yuzasidan mustahkamlash mashqlari. Xatolar ustida ishlash.	
	AYTILISHIDA TUSHIB QOLADIGAN UNDOSHLAR.	
19.	Aytilishida tushib qoladigan undoshlar.	128—131-mashqlar
20.	Aytilishida tushib qoladigan undoshlar.	132—135-mashqlar
21.	Diktant.	
22.	Diktant tahlili, yo'l qoyilgan xatolar ustida ishlash.	
	So'z ichida yonma-yon kelgan bir xil undoshlar	
23.	So'z ichida yonma-yon kelgan bir xil undosh harflar.	136-139-mashqlar
24.	Yonma-yon kelgan bir xil undosh harfli so'zlarni bo'g'inlab ko'chirish.	140—143-mashqlar
25.	Matnni og'zaki va yozma qayta hikoyalash.	144—145-mashqlar
26.	Yozma ish tahlili. O'rganilgan bilimlarni umumlashtirish mashqlari.	
27.	«Yangi yil yaqinlashyapti» mavzusida gaplar va hikoya tuzish.	146-mashq

ЁШЛАРГА — ҒАМХЎРЛИК

Мустақил Ўзбекистонимизда келажаги буюк давлатни барпо этишда иқтисодий ва маънавий-маърифий соҳаларда катта ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада, айниқса, юртбошимиз Ислом Каримовнинг халқ таълимига ҳамда ёш авлод келажагига кўрсатиб келаётган ғамхўрлиги, мазкур ишдаги камчиликларни рўй-рост очиб ташлаб, нима ишлар қилишимиз кераклиги тўғрисидаги аниқ фикрлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида «Баркамол авлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзуида сўзлаган нутқида ўз аксини топди.

Юртбошимизнинг мазкур нутқидан келиб чиққан вазифалар бўйича Тошкент вилояти Қибрай тумани ҳокимлиги туман халқ таълими, бандлик хизмати бўлимлари билан ҳамкорликда иш бошлаб, меҳнат жамоаларида, ташкилотларда, ўқув-тарбия масканларида, туман марказида тадбирлар ўтказмоқда.

Яқинда ана шундай тадбирнинг бири туман марказида бўлди.

Шу куни бўш иш ўринлари ярмаркасига 200 га яқин ёш қатнашиб, уларнинг 30 га яқини ишга жалб этилиб, 100 дан ортиқ қатнашчиларга тегишли маслаҳатлар берилди.

Омонгелди САЙДАҲМЕДОВ.

СУРАТДА: Қибрай туманидаги бандлик хизматининг инспектори Гўзал Ўсканова бўш ўрин ярмаркасига келган бир гуруҳ ёшлар билан суҳбатлашмоқда.

Е. БОТИРОВ олган сурат.

ЯНГИ ЛИЦЕЙ ОЧИЛДИ

Шу йилнинг октябрь ойидан бошлаб Нукусда рассомчилик ва амалий санъат лицейи фаолият кўрсата бошлаганлиги ҳақида ибрат ойнасида хабар бергандик. Янги лицейнинг ҳозир 45 та синфида 80 ўқувчи рассомчилик, ҳайкалтарошлик, наққошлик каби санъат турларининг сирларини етук мутахассислар қўлида қунт билан ўрганишяпти.

Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академиясининг Қорақалпоғистон бўлимига қарашли бу янги таълим даргоҳи, шубҳасиз, келгусида Қорақалпоғистонда санъатнинг янада юксалишига катта ҳисса қўшади. Лицейда ётоқхона, ошхона барпо қилингач, бу ерга Қорақалпоғистоннинг олис гўшаларидан ҳам иқтидорли болалар келиб ўқиш имкониятига эга бўлишади.

Мухбиримиз.

Dil izhori

ЭҲТИРОМ

Мактаб — қутлуғ даргоҳ. Бу ерда не-не табаррук зотлар, буюк сиймолар илм олмаган, дейсиз. Барча буюк ишлар ибтидоси-да, шу заминда туғилиб, вояга етади. Ана шу даргоҳ қанчадан-қанча мурғак юракларга ҳақиқат аталмиш мўътабар илмни жойлаб, унинг моҳиятини англатади.

Мен ҳали ўқувчилик кезларимдаёқ мактабда ишлашни, ёш авлодга таълим беришни орзу қилар эдим. Устозларим меҳри билан юракда ниш отган бу қутлуғ ният мени Тошкент Давлат Университетига бошлаб келди. Ҳаёт университетини (мен талабалигимда ТошДУни шундай англаганман) муваффақият билан якунлагач, Навоий шаҳридаги 17-ўрта мактабга ўзбек тили ва адабиёти фанидан ўқитувчи бўлиб келдим. Кечагина университет аудиториясидан чиқиб келганимга қарамай, мактаб илмий бўлим мудири Лола опа Ибрагимова мени синф раҳбари этиб тайинладилар. Очиғи, менга бўлган бу ишончдан бирда кўнглим тоғдек кўтарилса, бирда ҳали тажрибасизлигимдан ҳаяжонланардим. Сабаби, мен синф раҳбарини бир неча йиллик иш тажрибасига эга бўлган малакали педагог бўлиши керак, дея тасаввур қилардим. Аввалига мактаб илмий бўлим мудири Лола опанинг талабчанлиги, баъзида иш юзасидан қилган гап-сўзлари менга оғир боттандек бўлди. Аммо кейинчалик ҳаммаси яхши бўлиб кетди.

Умрининг эндигина болалик фаслини босиб ўтган, ҳар нарсага қизиқувчи, баъзан ўйчан, баъзан ишчан 7-синф ўспирин йигит-қизлари билан ишлаш нақадар мароқли эканини юрақдан ҳис эта бошладим. Дарҳақиқат, моҳир ўқитувчи Лола Ибрагимова менга, мактаб партасига ўтирган ёш йигит-қизларнинг муаллимасига ўзининг ҳаётий тажрибаларидан сабоқ берди. Шунда мен инсон боласини бешикдан қабргача илм излашга муҳтож эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилдим. Зеро, инсон кимгадир ўргатиб, кимдандир ўрганиб яшайди. Шулар ҳақида ўйлаганимда мактаб ва унда ҳалол меҳнат қилаётган моҳир устозларимга нисбатан эҳтиромим янада ортади.

Навбаҳор ОЧИЛОВА, Навоий шаҳридаги 17-ўрта мактаб ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси.

Fanimiz fidoyilari

КАСБ-ҲУНАР ИЛМИ УСТАСИ

Олтмиш баҳорни қарши олган, тиниб-тинчимас олим Н. Шодиевнинг илмий-педагогик фаолияти ёш илму толибларга намуна бўлса, ажабмас.

Нарзиқул Шодиев 1959 йил ЎЗРФА Ядро физика институтида иш бошлади. 1963 йилда мазкур илмий тадқиқот институтининг аспирантурасига ўқишга кирди ва орадан уч йил ўтгач физика-математика фанлари номзоди илмий даражасига эришди.

Н. Шодиев Ядро физикаси институтида кичик илмий ходим. Самарқанд меъморчилик-қурилиш институтида (1967—1968 йиллар), С. Айний номидаги Самарқанд давлат педагогика институти умумий физика кафедрасига мудирлик (1968—1975 йиллар) лавозимларида ишлаган даврларда ядро спектроскопияси, радиацион физика муаммолари устида муваффақиятли илмий тадқиқот ишлари олиб борди. Айниқса, Н. Шодиевнинг СамДПИ базасида «Қишлоқ хўжалик экинлари уруғларига радиацион нурлар таъсирини ўрганиш» бўйича олиб борган илмий тадқиқот ишлари диққатга сазовор бўлди.

Н. Шодиевнинг фаол иштирокида ва унинг раҳбарлигида ўқувчи ёшларни касб танлашга йўллаш бўйича бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларнинг меҳнат тарбияси ва касб-ҳунарга йўллаш ишига тайёрлаш бўйича фундаментал тадқиқотлар олиб борилди.

Нарзиқул ака 1983 йилда педагогика бўйича докторлик илмий ишини ҳимоя қилди.

Профессор Н. Шодиев 200 га яқин илмий ва илмий-услубий ишларнинг муаллифи, жумладан, 3 та монографик, 2 та олий ўқув юртлари талаблари, 4 та мактаб ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчилари ва ўқитувчилари учун ўқув қўлланмалар, бўлажак меҳнат таълими ҳамда бошланғич синф ўқитувчилари учун 2 та ўқув дастурларини нашр эттирган.

Н. Шодиевнинг СССР педагогик илмий жамоатчилиги ўртасида катта қизиқиш уйғотган асарларидан қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш лозим: «Қишлоқ мактабларида ўқувчиларни мелиорация касбларига йўллаш» («Ўқитувчи», 1978), «Қишлоқ хўжалик ишчи касблари» («Ўқитувчи», 1981), «Талабаларга ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ишларини ўргатиш» («Ўқитувчи», 1987), «Ўқувчиларни касб танлашга йўллаш бўйича синфдан ва мактабдан ташқари ишлар» («Фан», 1988), «Мактаб ўқувчиларини математика дарслари ва синфдан ташқари машғулотларда оммавий ишчи касбларга йўллаш» («Ўқитувчи», 1989), «Саноат ишчи касблари» («Ўқитувчи», 1992) ва бошқалар.

Нашр этилган илмий ишлар орасида хорижий журнал (1964 йил, Париж, Франция, 1967 йил. Антверпен, Бельгия)ларда эълон қилинган мақолалар ҳам бор. Профессор Н. Шодиев қатор халқаро конференцияларнинг иштирокчиси ва ташкилотчисидир.

Ҳозирги кунда профессор Н. Шодиевнинг илмий ишларига таянмасдан туриб, ўқувчиларни касб танлашга йўллаш ва бунга олий ўқув юртлари талабаларини тайёрлаш муаммоларига бағишланган бирорта ҳам жиддий фундаментал илмий тадқиқот ишлари олиб боришни тасаввур қилиб бўлмайди, десак хато қилмаган бўламиз.

Профессор Н. Шодиев, ёш олимлар, аспирантларга мураббийлик қилиб, СамДунинг қатор ўқитувчилари (С. Ўтназаров, Э. Рўзиев, Ш. Файзуллаев), Урганч ДУнинг (О. Отажонов), Жиззах ДПИ (Б. Ўразов) диссертацион ишларини ҳимоя қилдирди. Қатор докторлик диссертацияларга (Ю. Аҳроров, М. Қуронов) илмий маслаҳатчилик қилди.

Профессор Н. Шодиев Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси нишони билан тақдирланган.Ҳа, инсон меҳнатини, унинг касб фаолиятини баҳолашда ҳаётининг ўзи ёрқин кўзгу ҳисобланади. Биз камтарин инсон, устоз мураббий Нарзиқул Шодиевнинг олтмиш ёшини муборакбод этар эканмиз, келгуси илмий-педагогик ишларида омадлар тилаймиз.

Ҳабибулло АБДУКАРИМОВ, Муҳаммад ҚУРОНОВ.

Maktab sahnasi uchun

Миразиз АЪЗАМ

БУХОРИЙ ДАРСИ

ЎЙИН ПИЕСА

ТЎРТИНЧИ КЎРИНИШ

САИД: — Бухорий 22 ёшигача ҳижозда яшади. У ҳамон шаҳарма-шаҳар кезиб, ҳадис йиғар ва саралар, «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»ни ёзишда давом этар, бирда олимлар билан учрашиб, ҳадис илмини чуқурлаштирса, бирда ўзи хоҳлаганларга ҳадис ёздирарди. Буни кўрган баъзи бир олимлар: «Ҳали мўйлови чиқмаган бир йигитчадан ҳадис ёзиб олаётган»ларини гап қилишарди.

Шундан кейин Бухорий 5 йил Басрада яшади.

Бухорийнинг Басра ҳаётидан бир олим шундай ҳикоя қилади:

Бир куни Басра жомеъсида сўфи: «Эй, илм аҳли! Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий Басрага келди!» деб бақиради. Одамлар Бухорий қандай одам экан деб қараб туришса, бир ёш йигит намоз ўқиётганини кўришади. У намозини битириши билан оломон атрофини ўраб олиб, бир мажлис қуришини илтимос қилади. Бухорий рози бўлади. «Эй, басралилар! Сиз мендан ҳадис ривоят этишимни сўраяпсиз. Сизда ҳадисчилар кўп. Мен сизларга ўз юртингиз ҳадисларидан бирини айтиб бераман. Бир бадавий Пайғамбаримизга: «Эй, Расулуллоҳ, одамман деган киши миллатини севади», деди. Шунда Ҳазрат Пайғамбар: «Инсон севганлари билан биргадир», деб буюрадилар.

Сўнг Бухорий: «Бу ҳадис сизда йўқ. Сиз билганингиз бошқача», деб айтди ва бу ҳадисни ким кимга, қачон, қандай айтгани, айтувчи ким бўлгани тўғрисида батафсил маълумот беради. Охири илмда аниқликка эришиш учун азму қарор, ғайрату шижоат кўрсатиб илм арбоблари оёғига бош уриш кераклигини уқтиради. Олим бўлишнинг биринчи шарти илм йўлида жафо чекиш, қийинчиликлар қаршисида чекинмай, муаммони ечишга интилиш кераклигини қайд этади.

Бухорий Басрадан яна Бағдодга, ундан Маккаю Мадинага, яна Шомга, Мисрга, Куфага бориб-келиб юради ва ўнларча китобларни ёзиб тугатади. Буларнинг ичида олимнинг шоҳ асари, шаксиз «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ»дир. Асар 12 йил давомида ёзилади ва 4 жилддан иборатдир. Пайғамбар ҳадисларидан ташқари, ислом ҳуқуқшунослиги, маросимлари, ахлоқ-одоб, таълим-тарбия, тарих ва этнографияга оид маълумотларга тўла. Бу асарнинг шуҳрати тезда бутун ислом ўлкаларига таралади. Имом Бухорий қай шаҳарга бормасин, қадами теккан масжиду жомеълар, майдонлар одамларга тўлиб кетар эди.

Тарихчиларнинг айтишича, Басра ва Бағдод жомеъларига 20 мингдан ортиқ одам йиғилган пайтлар ҳам кўп бўлган.

9-ЎҚУЧИ: — Тарихда ҳам лофчилар бўлган экан-да!

САИД: — Йўқ, дўстим, бу лоф эмас.

9-ЎҚУВЧИ: — Саид, ўзинг ўйлагин, у пайтларда радио, микрофон деган нарсалар бўлмаган, қандай қилиб бир одам 20 минг кишилик оломонга гапиради? Тағин ҳадис айтармиш...

САИД: — Оғайни... бу йиғилган одамлар орасида сўфилар бўлган. Улар бошқалардан баландроқ жойга, курси ё супачага чиқиб туришган. Мана шу сўфилар имом айтган гапни ўз томонидаги одамларга баланд овозда такрорлаб, етказиб туришган. Имом, айтган гапи ҳаммага етиб боргунча, навбатдаги жумлани бошламай, кутиб турган. Ҳамма эшитиб бўлгач гапини давом эттирган.

9—ЎҚУВЧИ: — Ҳа-а-а...

САИД: — У пайтдаги одамларда ихлос бошқачароқ бўлган. Уларда бирдамлик, ҳамжиҳатлик, уқувват бўлган. Улар бизга ўхшаб, бирининг гапи иккинчисига тўғри келмайдиган, бири иккинчисини менсимайдиган кишилар тоифасидан бўлмаган. Агар бизда ҳам улардай миллий, якдиллик бўлсайди, ҳозирги мустақиллик йўлидаги одимларимиз бундан ҳам шиддатлироқ бўларди. Билдингизми? Тўғри, у даврларнинг ҳам ўз девлари, ичи қора кишилари, мутаассиб арбоблари бўлган. Бир пайт Бухорий Бағдодга келганда бир тўп бошкент олимлари унинг обрўйини бир пул қилмоқчи бўлганлар. Улар 10 кишига 10 тадан ҳадис тақсимлаб, ровийларини, жойларини чалкаштириб чиққанлар ва Бухорийни чалғитмоқчи бўлганлар. Бухорий улардан бирининг ҳадисини тинглаб, «Мен бундай ҳадисни билмайман», деган. Кейинги ҳадисларига ҳам «билмайман», деб жавоб қилган. Ўн ҳадисининг ҳаммасига «билмайман» деган. Кейин иккинчи муҳаддисни ҳам тинглаган. Уларнинг ҳамма ҳадисларига «билмайман» деб жавоб берган. Аҳволни тушунганлар «Бухорий фитнани билиб қолибди», деб ўйлашган. Аҳволдан бехабарлар эса: «Бу Бухорий деганлари ҳеч балони билмас экан-ку», деб ўйлашган. Бухорий эса ўн олимнинг юз ҳадисини эшитиб, ҳаммасига «билмайман» жавобини бергач, «борми яна ҳадисчилар?» деб сўраган. Ўртага жимлик чўкканда, биринчи олимни турғазиб, «Биринчи ҳадисинг бундай... Иккинчиси бундай... Учинчиси мана бундай... тўртинчиси бундоқ... бешинчиси бу тарзда...», деб жавоб қайтара бошлаган. Ўн олимнинг ҳамма ҳадисларини такрор-такрор тузатиб, ёддан айтиб берган! Шунда улар Бухорийнинг ҳадис илмида тенгсиз олим эканлигини тан олишга мажбур бўлганлар. Шундай бўлган бизнинг улуғ аждодимиз Бухорий!

ЎҚИТУВЧИ: — Раҳмат, Саид, ўтир. Энди навбат сенга, Ҳаким. Сен Имом Бухорий ҳаётининг сўнгги фаоллари ҳақида гапир...

ҲАКИМ: — Хўп бўлади, домла. Нишопурда Имом Бухорийнинг Муҳаммад ибн Яҳё аз-Зуҳлий деган устози бўлган. У мўътабар зот Бухорийнинг Нишопурга келаётганини эшитиб, бутун талабаларини кутиб олишга даъват этганлар. Ўзлари ҳам унга пешвоз чиқиб, қучоқ очиб кутиб олади. Муслим ал-Қушайрий ёзади: Бухорий Нишопурга келганда уни турли халқ вакиллари шундай самимий ҳурмат ва уюшқоқлик билан кутиб олдиларки, бу пайтгача бундай иззат-икром на бир бошқа олимга, на бир подшоҳ ёки ҳокимга кўрсатилмаган эди. Шаҳарга 2—3 фарсаҳ наридан бошлаб йўлнинг икки тарафида одамлар туришарди. Нишопурнинг барча олимлари, шу жумладан, аз-Зуҳлий ҳам Бухорийни шаҳар ташқарисидаёқ кутиб олади. Сўнг Бухорий тўхтаган уйни одам босади. Уйнинг томи, девори, чордоқлари ҳам мухлисларга тўлиб кетади. Бу ҳол негадир устоз аз-Зуҳлийнинг юрагини рашк ўтида ёндиради. Ва бир куни келганлардан бири Бухорийга: «Қуръони каримни ўқиркан, унинг лафзларини талаффуз этиш яратилганми ё яратилмаганми?» деб сўрайди. Бухорий: «Феълимиз (қилган ишларимиз) яратилган. Талаффузимиз ҳам феълимизнинг биридир», деб жавоб беради. Эртасига аз-Зуҳлий: «Қуръони карим Оллоҳ сўзи. Яратилган эмас. Уни ўқиркан, сўзларини талаффуз этишимиз яратилгандир», деб айтувчилар динимизда йўқ нарсаларни динимизга суқмоқчи бўлган бидъатчилардир», дея ғавғо бошлайди. «Биз бундайлар билан бир мажлисда бирга ўтиролмаймиз», деб эълон қилади. Шундан сўнг Нишопурда жони ҳам омон қолишига кўзи етмагач Бухорий зудлик билан ўз ватани Бухорога жўнаб кетишга мажбур бўлди. «Ё раббий! Нишопурда мен бир мансаб ё амал истамасам... Нега бундай бўлди? Нега устозим менга қарши чиқдилар? Нега шунча кўп одам менга қарши? Кўнглим ватанимга ошиқади... Бу одам менга ҳасаддан ўлмасин», дейдилар буюк аждодимиз Бухорий ўзларига содиқ ҳамроҳларига.

9-ЎҚУВЧИ: — Бор экан-да у пайтларда ҳам ўзимизга ўхшаганлар...

ҲАКИМ: — Ҳа... Буюк муҳаддис ўз ватанига келгач, бир қанча вақт янги шогирдларига ҳадис илмидан дарс бериб юради. Аммо бу ерда ҳам кулфат чангала унинг елкасига тушади... Бир куни Бухоро амири Холид ибн Аҳмад аз-Зуҳалий Имом Бухорийни саройга келиб ўз фарзандларига дарс беришини таклиф қилади. Бухорий умр бўйи ўзи тарғиб қилган йўлни унга ҳам таклиф қилади. Бухорий амирга: «Илмни хоҳловчилар олимлар ҳузурига бориб илм олишлари керак», деб хат ёзди. Бунинг натижасида тожу тахт амири аз-Зуҳалий муҳаддислар амири Бухорийни Бухородан чиқариб юбориш тўғрисида фармон беради...

Бухорий бутун оиласи билан Самарқандга отланади. Ҳартанг деган қишлоқда касалланди ва 870 йили вафот этади.

ПАУЗА

Домла... Афв этинг, домла... Мен Бухорий ҳаётининг сўнгги йиллари ҳақида ўқиганимда йиғладим... кўп йиғладим...

ЎҚИТУВЧИ: — Юрагингдан айланай сенинг, Ҳакимжон. Ўзи шундай. Бу ҳаётнинг сўнгги маъюсроқ.

ҲАКИМ: — Нега шундай, домла, нега шундай? Нега яхшиларнинг, улуғларнинг ёнида ҳасад ивирсиб юради? Нега уларга илашади, бу иллат?

ЎҚИТУВЧИ: — Ҳакимжон, мен ҳам бу ҳақда кўп ўйлайман. Баъзан дунёнинг қурилишида бир нуқс борми, деган куфр хаёлларга ҳам бораман. Аммо бу балки Оллоҳнинг синовидир, беҳикмат эмасдир буларнинг баъзи масалаларда Оллоҳ билимдонроқ. Лекин Ҳакимжон, сенга ва болалар, ҳаммангизга тасалли ва қаноат берадиган бир нарса бор: бу дунё интизомини кўрсатувчи бир далил шуки, ҳар ким экканини олади. Зулм ўтказганлар зулм кўради. Падаркушлар ўлдирилади. Нопок йўлдан келганлар нопок йўлда ҳалок бўладилар.

БОЛАЛАР ЕНГИЛ ТОРТИШДИ

МАНСУР: — Лекин Бухорий йигитнинг гули бўлган! Қотма, ориқ, ўрта бўйли, қорамағиз. Кўзлари ўткир. Бир қарашда инсонни била оладиган ва умуман мўлжалга бехато урадиган мерган йигит... Камонга ўқ қўйиб отганида ҳамма ўқлари нишонга теккан. Фақат икки мартагина Бухорийнинг ўқи нишонга тегмаган.

9-ЎҚУВЧИ: — Ҳов, сен ўзингча нималарни валдираяпсан?

МАНСУР: — Валдираётганим йўқ! Бу — тарих ҳақиқати. Билиб қўй: Бухорий яна чапдаст чавандоз бўлган. Бир сакрашда отга минар, тоғ-тепаларига, қир-адирларда шундай от чоптирганки, кўрганлар оғзи очилиб, ҳавасдан энтикиб кетар экан.

9-ЎҚУВЧИ: — Бир одамни урсак ураверамиз, мақтасак мақтайверамиз. Бухорийда бу хислатлар бўлганми-бўлмаганми, номаълум. Ҳой, Мансур, 1200 йил бурунги гапларни сен қаёқдан биласан?

МАНСУР: — Э, оғайни, тарих шуниси билан қизиқ-да Булар ҳаммаси сен билан менга ёзиб қолдирилган. Ёдингда тут: Имом Бухорийнинг Абу Жаъфар деган бир шогирди бўлган. Ана ўша ёзиб қолдирган бу гапларни.

9-ЎҚУВЧИ: — Ўзбек тилида босилиб чиққанми бу китоб?

МАНСУР: — Йўқ, у пайтларда булар араб тилида ёзилган.

9-ЎҚУВЧИ: — Сен арабчани биласанми?

МАНСУР: — Айтдим-ку, дадам шарқшунос олим деб... Агар бу тилни билмасам, мен ота ўғил бўлармидим?

9-ЎҚУВЧИ: — Менга ҳам ўргат.

МАНСУР: — Жоним билан ўргатаман. Боболаримиз кўп асарларини она тилимизга ўгириш бизнинг вазифамиз, ахир.

Охири. Боши газетанинг 83—85—87 сонида.

СИРДАРЁЛИК ЎҚУВЧИЛАР ҚОЗОҒИСТОНДА

Яқинда Сирдарё вилоятининг Шароф Рашидов туманидаги 6-ўрта мактаб спортчилари Алмати шаҳридаги 139-мактаб ўқувчилари билан дўстлик учрашуви ўтказишди.

Республика «Қувноқ стартлар» телемусобақаси совриндорлари сифатида қозоғистонликлар билан беллашувда ғалаба учун асойдил кураш олиб боришди ва 19:11 ҳисобида қуллари баланд келди.

Сирдарёлик ўқувчилар Алмати шаҳрининг диққатга сазовор жойлари, музейлар билан танишдилар.

Ўқувчиларнинг Қозоғистон Республикасига сафарини уюштиришда Шароф Рашидов тумани ҳокимияти ва ХТБ, шу тумандаги 6- ва 1-пахта тозалаш заводлари ва «Ипакчи» фирмаси ҳомийлик қилишди.

Ғ.МАННОПОВ.

Устоз ва шогирд.

ТЎЙ

(МАСАЛ)

Бўлган воқеани қилдим кўчирма:
Қарғанинг боласи бўлди учирма.
Кўз очиб-юмгунча вақт ўтиб кетди,
Ниҳоят, жўжача вояга етди.
Балоғатга етгач ҳар бир мавжудот,
Жуфтини топмоқлик азалдан одат.
Ота-она Қарға роса чопдилар,
Охири ўғлига қайлиқ топдилар.
Совчиликка бориб Тўти — кайвони,
Розилигин олди Қарға-қудани.
Чорладилар уйга қариндошларни,
Тўйин белгиламоқ бўлиб ёшларни.
Совчи Тўти деди: — «Қудалар шарти,
«Вечер» қилмоққа мос «Бургутлар парки».
Ўшанда узатди сарлочин қизин,
Кам эмас дейишди қизимиз бизнинг.
Мингдан кам бўлмасин меҳмонлар сони,
Ушалсин фарзандлар орзу-армони.
«Фата» керак эмиш Товус патидан.
Либоси оқ ҳарир ўн тўрт қатидан.
Жуда паст дейдилар Булбул навоси,
Ўйинга мос тушар Хўроз овози.
Ёшлар алоҳида «ЗАГС» қилармиш,
Шунда келинчакнинг кўнгли тўлармиш.
Сўнгра ўтишармиш «Колокольчик»ка,
Марказдан бўлсинмиш, бўлмасмиш чекка.
(Тушунмай Тўтининг айрим сўзини,
Қоғозга кўчирдим айнан ўзини).
Шунда тоға — Қарға солиб қовоғин,
Деди: — «Ўйлангизлар аввал буёғин.
Биров билан борми, бизнинг баҳсимиз,
Бургут эмасмиз-ку, Қарға наслимиз.
Билмасак ҳам «ЗАГС», «Вечер»нинг отин,
Қолмаган эдикку бизлар бехотин?!
Не керак ортиқча харажат, ташвиш,
Ёпиштирган каби, кал бошга сақич.
Нечун ўзгаларнинг удумин қилмоқ,
Бошқалар либосин келинга илмоқ»?!
Хотин пичирлади эрга: — «Отаси,
Азалдан кўролмас сизни тоғаси.
Қулоқ солманг ҳасадгўйнинг сўзига,
Чўп тиқилсин кўролмаган кўзига.
Бургутдан қолишмас сизда ҳам савлат,
Худо насиб этса топилар давлат.
Кудаларнинг айтганини қилайлик,
Паррандалар олди бўлиб юрайлик».
Охирида шу қарорга келдилар,
Кудағайлар шартин қабул қилдилар.
Ундан, бундан сўраб маблағ топишди,
Бўйингача роса қарзга ботишди.
Тўй бўлди, жуда кўп меҳмонлар келди,
Ярмидан кўпроғи жўжалар бўлди.
Ёшлар еб-ичишиб роса чўқишди.
Кўплар кайфи ошиб роса чўқишди.
Кунлар ўтди, ҳафта кетидан ҳафта,
Олмоқнинг бермоғи бўлар, албатта.
Қушлар эшик қоқиб қарзин сўрашар,
Қарғалар бор будин сотиб тўлашар.
Дастурхондан қочди хайру-барака,
Кўзга кўринмайди тўю—маъракa.
Миннат қилар кунда куёвга келин,
Лаънатлайди унга қўшган тақдирин.
Муҳаббат қалбларни охир тарк этди,
Ёшлар бир-биридан ажралиб кетди.
Алқисса, Қарғалар бўлмасди хароб,
Оёқ узатилса, кўрпага қараб.

Зикрилла ШЕРМАТОВ.
Қашқадарё вилояти,
Косон тумани.

Xullas...

СТЕПАННИНГ СЕРГАКЛИГИ

юзлаб кишиларнинг ҳаётини сақлаб қолган бўлса, ажабмас. Россиянинг Дзержинск шаҳрида истиқомат қилувчи Степан Маслов кунларнинг бирида милиция идорасига кириб, шундоққина марказий кўча бўйича снарядга ўхшаш алламбало қаққайиб турганини маълум қилди. Тезкор чоратадбирлардан сўнг маълум бўлдики, кўча бўйида қадалиб турган «алламбало» чиндан ҳам 80 мм калибрли артиллерия снаряди экан! (Бундай ажал уруғлари 1941—45 йилги уруш даврида қўлланилган). Афтидан, канализация қувурларини таъмирлаш учун олиб борилган қазиш ишлари пайтида у юзага чиқиб қолганди. Энг қайғулиси шундаки, бу «алламбало»га на қурувчи ишчилар, на кўп минг сонли ўтиб—қайтувчилар эътибор беришган. Яхшиям, Степанга ўхшаш сергаклар бор...

ОЧЛИК САНЪАТИ

Ҳа, бундай санъаткорликни ҳар ким ҳам эплай олмайди. Бироқ бразилиялик 78 яшар отахон—Кордейрда—Силвага қойил қолмай иложимиз йўқ. У болалигидан бери овқат емайди! Бироқ ҳамон тетик, соғ—саломат! Узоқ ҳаёти давомида Силва бобо бор—йўғи 8 марта уйланган, 40 га яқин фарзандлари бор. Қария ҳар эрталаб фақат бир стакан манго шарбатини сувга аралаштириб ичади, холос. Шу билан нонушта ҳам, тушлиғу кечлик ҳам тамом! Агар Силва бобонинг маънавий—руҳий баркамолликка қўп аҳамият беришини ҳисобга олсак, қариянинг нима билан озиқланишини англаб етиш қийин эмас...

ДАЙДИЛАР УЮШМАСИ

Тақдир тақозаси билан бошпанасиз қолган даниялик фуқаролар бирлашиб узига хос уюшма ташкил этишди. Уюшмага аъзо булишнинг ҳам узига яраша шартлари, бош оғриқлари бор. Энг аввало, талабгор 18 ёшдан ошган ва камида бир йил дайдилик таъмини татиб кўрган булиши зарур. Уюшма аъзолари банк хизматидан фойдаланиш, «ёглироқ» жойларида беховотир изғиб юриш, хайрия ташкилотларда навбатсиз, имтиёзли кумак олиш ҳуқуқларига эгадирлар...

ana shunaqa gaplar

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг она тили ва адабиёт ўқитувчиси Фарҳод Холсаидовга падари бузруквори

БАКИР отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

1-Тошкент педагогика билим юрти жамоаси билим юртининг математика ўқитувчиси Улту Мешитбоевага ўғли

ЖАНАРнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ҳунар таълими илмий-тадқиқот институти жамоаси шу институтнинг лаборатория мудири

Турсур МЎМИНОВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат шарқшунослик институти жамоаси ва бирлашган касаба қўмитаси араб филологияси кафедрасининг доценти

Ўткир ҚОРИЕВ

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ИСНОД

— Нафақат 9-синфга, балки бутун мактабимиз шаънига иснод, — дейишди кўпчилик ўқувчию ўқитувчилар. Негаки, Боёвут туманидаги 26-мактаб 9-синф ўқувчиларидан бири ўғирлик содир этди. Узидан 3-4 ёш катта икки бетамизга қушилиб, юзи шувут бўлди. Бутун қишлоқда гап-сўз. Мактабдаги ўқувчиларнинг «наҳотки, фалончи шундай ишга қўл урибди», дейишлари 9-синф ўқувчиларини ҳам анча мулзам қилди.

Ахир, «фалон мактабнинг 9-синфидан чемпион чиқибди», деган гап қайдаю...

Хуллас, Боёвут тумани ички ишлар бўлими ходимлари туман ҳудудининг одамлар ҳоли яшайдиган жойдаги симёғочдан 500 метр электр симини ўғирлаб кетишган уч ўғрини ҳибсга олишди. Уларнинг икки нафари 1977-1978 йилларда туғилган У. Н. ва К. М. исмли йигитлар бўлса, учинчиси юқорида айтиб ўтганимиз, 26-мактабнинг 9-синфида ўқир экан.

Ҳозир мазкур ўғирлик тафсилоти атрофлича ўрганилмоқда.

ОТАСИ ТЕНГИ ОДАМНИ-Я...

Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги Оҳангарон жамоа хўжалигида яшовчи Куналиев отаси тенги одам билан жанжаллашиб қолди.

Ажабланарлиси, унинг рақиби уч кам эллик ёшга тўлган ҳайдовчи Б. Қ. ҳам «эй, қўйсанг-чи болам, иккимизнинг бу ишимиз ноўрин» дейишга ярамади шекилли, даҳанаки айтишув муштлашувга айланиб кетди. Оқибат, бақувват йигит бўзболалигига борди ва зарб билан урган муштдан Б. К.ни ҳушидан кетказиб қўйди.

Касалхонадаги муолажалар ёрдам бермагач орадан бир кун ўтиб, ҳайдовчи киши бандаликни бажо келтирди. Ушбу аянчли воқеа ҳақидаги хабар ички ишлар бўлимига марҳумнинг ўлимидан бир кун кейин тушганига қарамай, жиноий иш тафсилотлари батафсил ўрганилиб анча масалалар ойдинлашиб қолди.

Ш. РЎЗИЕВ,
милиция катта лейтенанти.

Afsus...

Sport

100000 АҚШ ДОЛЛАРИ КИМГА?

Шу йилнинг 22-23 ноябрь кунлари пойтахтимиздаги «Юнусобод» спорт мажмуида миллий кураш бўйича биринчи халқаро мусобақа ўтказилади. Унда АҚШ, Россия, Эрон, Туркия, Қозоғистон сингари мамлакатларнинг полвонлари иштирок этади. Мукофот миқдори юз минг АҚШ долларига тенг.

«НАВБАҲОР» — «АФРОСИЁБ» — 7:1

Олий лигани тарк этишга мажбур бўлган Самарқанднинг «Афросиёб» футболчилари 33 турда Наманганда «Навбаҳор»га қарши майдонга тушган эди. Учрашувда майдон эгалари меҳмонларни авайлаб ўтирмади. Улар самарқандликлар дарвозасига 7 гол киритишди.

ЧЕМПИОННИНГ СЎНГГИ ҒАЛАБАСИ

1997 йилги мавсум чемпиони МҲСК футболчилари чемпионатнинг охирги турида ҳам ғалаба қозонишди. Ўз майдонида «Зарафшон» (Навоий)ни қабул қилиб рақиб дарвозасини 3 бор аниқ нишонга олдилар. Меҳмонлар эса икки гол киритиш билан кифояландилар.

МАЙК ТАЙСОН ЖАРОҲАТЛАНДИ

Профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони АҚШлик Майк Тайсон рингда эмас, катта кўчада жароҳат олди. Энг замонавий русумдаги шахсий мотоциклда сайр қилиш чоғида тезликни ҳаддан зиёд ошириб юборди ва аварияга учради. Жарроҳларнинг фикрича, жароҳат қўрқинчли эмас, узоғи билан 1 ойда Тайсон соғайиб кетиши кутилмоқда.

КАФЕЛЬНИКОВНИНГ НАВБАТДАГИ ЮТУҒИ

Теннис бўйича Францияда ўтказилаётган йирик халқаро турнирда дунёнинг 5-ракеткали Евгений Кафельников кутилмаган муваффақиятга эришди. АҚШлик Майкл Чангни 6:0 ҳисоби билан мағлубиятга учратиб ярим финалга йўлланма олди. Мутахассислар Кафельниковнинг ушбу ғалабасини «аср мўъжизаси» дея баҳоламоқда.

maydonchasi

«ПОЙТАХТЛАР» ТОПҚИРЛИК МАШҚИ



Азиз муштарийлар! Қуйида таърифланган дунё мамлакатлари пойтахтларини шаклга ёзиш билан машқни ҳал этинг.

Энига: 5. Жанубий Американинг шимолий қисмида жойлашган Венесуэлла Республикаси. 6. Ғарбий Африкадаги, расмий тили, француз тили, аҳолисининг асосий қисми Ислом динига эътиқод қилувчи республика. 7. Буюк Британиянинг маъмурий-сиёсий қисми, унинг тарихий ўзаги. 10. Марказий Осиёдаги республика. 11. Марказий ва Шарқий Осиёдаги, дунёда аҳолиси энг кўп мамлакат. 14. Ғарбий Оврўподаги, океан ва денгизлар билан ўралган республика. 15. Республикамизга чегарадош мамлакат. 18. Форс қўлтиғидаги ороллар жойлашган кичик давлат. 19. Ғарбий Африкадаги Кот — Дивуар Республикасининг 1960-1983 йилларда пойтахти бўлган шаҳар. 20. Жанубий Осиёдаги оролга номдош мамлакат.

Бўйига: 1. Марказий Америкадаги, расмий тили испан тили бўлган республика. 2. Шимолий Африкадаги қироллик давлати. 3. Россия федерацияси таркибидаги республикалардан бири. 4. Шимолий текисликлар, жанубий Катта Кавказ тоғлари ва тоғ этакларидан иборат бўлган республика. 8. Ҳуддудининг катта қисми Британия таркибидаги оролда жойлашган давлат. 12. Аҳолиси асосан банту халқларидан иборат, Шарқий Африкадаги мамлакат. 13. Марказий Осиёдаги қироллик мамлакати.

Энди қуйидаги рақамлар жуфтини машқ жавоблари (биринчиси сўз, иккинчиси ҳарф тартибини англатади) асосида ҳарфлар билан алмаштириб муаммономани ечинг. Ундан яна бир пойтахт номи аён бўлади.

9-1; 20-2; 13-3; 1-5; 11-2; 17-5; 2-5.

Ф. ОРИПОВ тузган.

ПРОФЕССОРНИНГ ХОТИНИ

(ҲАЖВИЯ)

Уша куни Ноила опага роса алам қилди. Танаффус пайти эди. Туман халқ таълими бўлими бошлиғига мактаб ҳовлисини кўрсатиб юрса, умр йўлдоши Туравой ака келиб қолди. Ҳар доимгидек қўлида катта сумка. Туравой ака Ноила опага яқинлашар-яқинлашмас одатий сўз қотди:

— Яхшимисан?

Таълим бошлиғига кўзи тушиши билан ғалати жилмайди.

— Тузукмисиз?

— Раҳмат, — жавоб берди таълим бошлиғи Туравой акага ҳўмрайиб.

Туравой ака Ноила опага юзланди.

— Ишларинг тугагандира?

Халқ таълими бошлиғи ёқтирмагандек томоқ қирди. Дарахтлар тагида сарғайиб ётган майсаларни кўрсатиб, овозини кўтарди.

— Дов-дарахтлар остига сув қуйиш ҳам таълим-тарбияга кирадими?

Ноила опа индамади. Раҳбарим келган маънода эрига имо-ишора қилди.

— Адаси, — деди кейин, — сиз кетаверинг, ман бирпасдан кейин етиб бораман.

— Тезроқ бор, — Туравой ака изига қайтди.

Бошлиқ Туравой ака то мактаб эшигидан чиқиб кетгунча кузатиб турди. Кетиши билан мактаб директори Ноила Ҳатамовнага юзланди.

— Бу киши эрийизми?

— Ҳа.

— Намунча қўпол бу одам. Бу ер мактаб бўлса. Сиз эса директор. Келиб-келиб шундай маънавият учоғида санлашга бало борми. Ўқитувчиларни қўяверингу ўқувчилар эшитса, нима дейди? Кимсан Ноила Ҳатамовнанинг эри сан-санлар экан демайдими?

Ноила опа қизариб кетди.

— Санобар Сотиболдиевна, Туравой акамла унчалик қўпол одам эмас-ла. Санлашлари, шунга урганиб қолганлар. Узларига яқин тутади-ла.

— Маънавий ҳуқуқингизни ҳимоя қилолмасангиз, мактабда қандай қилиб ишлайсиз. Боз устига директорсиз.

Ноила опа тишини-тишига қўйиб эшитди. Таълим бошлиғининг феълини яхши билади. У тариқдай камчилик топса, туядай қилиб кўрсатиб, тавбасига таянтирмагунча қўймайди. Буниси ҳам майли. Ноила опани кейинги пайтда улар негадир хуш кўрмай қолган.

Ноила опа бир эмас, икки марта танқидга учради. Иши юзасидан эмас. Ҳамма бало кийимдан келиб чиқди. Билганда-ку...

Туман халқ таълимида ҳар ҳафтада буладиган йиғинда бошлиқ Ноила опанинг таълим соҳасидаги ишларини тамом қониқарсиз, деб баҳолади. Кейинги йиғинда эса ҳаммадан кейин хонасида олиб қолди.

Мактабдаги ишлар ҳақида гапира туриб бирдан тошиб кетди.

— Ноила Ҳатамовна, — деди ижирғаниб, — бундан кейин бунақа кийимда раёнга келманг.

— Нега опажон? — тушунмади Ноила опа.

— Опажон эмас, Санобар Сотиболдиевна, — столга муштлади бошлиқ. — Сизда фаросат деган нарсанинг узи борми? Сиз ўзи кимга тақлид қилиб кийинаяпсиз? Мангами! Билиб қўйинг, манам сиздан кам эмасман, демоқчимисиз. Қўйиб берсам, эртага тишийизниям тилло қилиб келасиз. Орада фарқ булиши керакми? Субординация деганини биласизми?

Ноила опа гангиб қолди.

— Бир хил кийинсак, унда сиз билан менинг фарқим қанча қолади. Бундан кейин узингизга ярашасини топинг. Боринг, энди.

Ноила опа кучага чиққандагина гап нимада эканлигини тушунди. Шу кундан эътиборан у янги йул тутди.

Халқ таълими булимига борадиган булса, хўжалик мудирини атай бошлиқ қанақа кийим кийганини билиб келиш учун жўнатадиган одат чиқарди.

Мана энди бугунги танбеҳ ошиб тушди. Уни маънавиятсизликда айблади.

Кечга яқин бошлиқни жўнатди. Мактаб ишларини тугатиб, уйга қайтди. Туравой ака ошхонада кечки овқатга ҳозирлик кўрарди. Эшик очилиши билан овоз берди.

— Хотин келдингми?

— Келдим.

— Ошни узинг дамлайсанми?

Ноила опа китоб-дафтарини токчага қуйди. Эрини чақирди.

— Туравой ака!

— Нима дейсан?

— Буёққа келинг.

— Нима гап?

Ноила опа иккита варақ оқ қоғозни стол устига қуйди.

— Утиринг.

— Тинчликми?

— Ёзинг, — буюрди Ноила опа.

— Нимани.

— Оладиган ойлигингизни.

— Бу нимага керак бўлди.

— Жуда керак-да, — деди Ноила опа. — Бугундан бошлаб кимнинг маоши катта бўлса,уша сансанлаш ҳуқуқини олади.

— Қизиқ-ку.

— Қизиги кейин чиқади.

Эру хотин кўзойнак тақиб столнинг икки чеккасига ўтирди.

Туравой ака қўлига ручкани олди. Ноила опа бармоқлари орасида қаламни ўйнатиб унга қараб тураверди.

— Оладиган маошимни биласан-ку, хотин, — деди Туравой ака, — шуни ёзиб ўтиришим шартми?

— Шарт, ундан кейин сиз қалам ҳақи ҳам оласиз. маънавий бутун одам бўлсангиз, ҳаммасини тула ёзинг.

— Сан-чи?

— Манам, бор даромадимни ёзаман.

— Бу санга нимага керак бўлди? Олганим рўзғорга кетяпти.

— Ёзинг...

Туравой ака ҳам, Ноила опа ҳам бир-бирига курсатмай қоғозга ойлик маошини ёзди. Шарт бўйича қоғозни ағдариб қўйишди.

Ноила опа ташаббускор бўлгани учун иккала қоғозни қўлига олиб рақамларни солиштирди.

— Мана, — деди гердайиб, — туринг энди...

— Хўп, мана турдик. Қани тушунтир-чи. Бу қанақа ўйин.

Ноила опа рақамлар остига чизиб иккала қоғозни ҳам эрининг олдига суриб қўйди.

— Қалайсиз. Куриб қўйинг. Менинг ойлигим сизникидан қирқ бир сўм кўп экан. Шарт бўйича ҳозирдан бошлаб ман сизни санлайман. Маънавий ҳуқуқим шуни талаб қилади. Бугундан бошлаб кимнинг маоши катта бўлса, ушанинг ҳуқуқи катта бўлади.

— Буни санга ким ургатди хотин.

— Шароит. Кейин маънавий ҳуқуқим. Уттиз йил сансанлаб келдийиз. Чидадим. Эрим экан деб индамадим. Токайгача мени оёқ ости қиласиз.

Туравой ака бушашиб қолди.

— Ман унчаликка бормайман, — давом этди Ноила опа. — Ҳар ҳолда ўттиз йиллик эримсиз. Бунинг устига иккита боламнинг отасисиз. Чунтагингизда шамол ўйнасада, номи улуғ профессорсиз. Ана шуларни ҳисобга олиб, майли, ман сизни сизлайман.

Шартта амал қиладиган бўлсам, сании.

— Хо-хо-тинжон!

Сафар БАРНОЕВ.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Хайрулла АБДУРАҲМОНОВ.

ИНДЕКС: 64595 Буюртма Г-0749. Тиражи 21.111. Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти — 20.00. Топширилди — 19.00. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. 1 2 3 4 5 6